

«ESKI-JUVA DEHQON BOZORI» АЖ
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш

Б А Ё Н Идан кўчирма

2024 йил 16 июл
Соат 11-00

Тошкент шаҳри

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Бозор майдони 28 уй.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Бозор майдони, 28 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2024 йил 16 июл куни ўтказилди. Йиғилишда 1855217 та овозга эга бўлган акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 84.33 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципиал активларни бошқариш маркази” “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” Бўлим бошлиғи Шамансуров Шоаброр Шамаҳкамovich қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Шамансуров Ш.Ш. - “Муниципиал активларини бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бўлим бошлиғи

Камолов Т.К – жамият кузатув кенгаши аъзоси,

Абдураимов И.Ф.– «Эски жува деҳқон бозори» АЖ директори.

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ибрагимова Гулчехра.

Йиғилиш санок ҳайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

Саидаълоҳон Турсунов, Азиз Махкамов ва Хаёт Муродов.

Йиғилишга «Эски жува деҳқон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Т.Камолов раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Жамиятда эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

2. Жамиятнинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача, сўзга чиқувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

1. Биринчи масала юзасидан- 10 мин

2. Иккинчи масала юзасидан- 10 мин

Сўзга чиқувчиларга 3-5 минутгача.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок ҳайъати йиғилиш қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

1-масала	2-масала
Ёклаган 1855217 -100 %	Ёклаган 1855217 -100 %
Қарши 0 –0%	Қарши 0 –0%
Бетараф 0 –0%	Бетараф 0 –0%

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Саноқ ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

**КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР
АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Жойлаштирилган акцияларга қўшимча тартибда жамият умумий қиймати 100.000.000.000 (юз миллиард) сўмлик, номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 100 000 000 (юз миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган акцияларни чиқаришга ҳақли эканлиги белгилансин (Ёқлаган 1855217 –100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0–0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

2. Жамиятнинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ҳамда янги таҳрирдаги Устав тасдиқлансин (ёқлаган 1855217 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

Баённома имзоланган сана: « 19 » июл 2024 йил.

Йиғилиш раиси

Т.Камолов

Баёни олиб борди

Аселга Ҳусеин

Г.Ибрагимова

Аселга